

Пайғамбарларга иймон



18:30 / 07.04.2020 2657

Аллоҳнинг пайғамбарларига иймон келтириш ҳам ғоятда пурҳикмат ишдир. Аллоҳ таоло инсонлар ичидан Ўзига пайғамбар танлаб олишининг ўзи инсоният учун улкан шарафдир. Одам Атодан бошлаб Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламгача бўлган пайғамбарлар силсиласи эса инсониятнинг шараф силсиласидир. Пайғамбар алайҳиссаломлар инсоният учун шону шараф, фахр бўлган шахслардир. Улар Роббул оламиннинг кўрсатмаларини одамларга етказиб берган шахслардир. Уларнинг ҳаммалари ягона Аллоҳнинг бандалари, ягона Аллоҳнинг пайғамбарларидир. Улар бир-бирлари билан биродардирлар. Улар бир-бирларини тўлдириб, бир-бирларини тасдиқлаб келганлар. Улар орқали инсониятнинг асли бир экани, ягона Аллоҳга сиғингани, бир динга амал қилгани тушунилади. Шунинг учун ҳам Исломда уларнинг орасини фарқламай, ҳаммаларига бирдек иймон келтириш фарздир. Пайғамбар

алайҳиссаломлардан бирорталарини инкор қилган кимса гўёки, ҳамма пайғамбарларни инкор қилган каби кофир бўлади.

Пайғамбар алайҳиссаломларнинг ҳар бирлари яхшилик, фазилат бобида инсоният учун ўрнак ва намунадирлар. Уларнинг ҳар бири ҳидоят маёғидир. Уларнинг охиргиси бўлмиш Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам қиёматгача ҳаммага ўрнақдирлар. Инсоният бугунги кунда пайғамбарлардан ўрнак олишга ўта муҳтож бир ҳолга келгандир. Бунинг учун уларнинг эҳтиромини ўрнига қўйиш, уларга Исломи кўрсатганидек иймон келтириш лозим. Чунки Иломдан бошқа дин ва мафкураларда бу хусусият йўқ.

Иймонсизлар инсоният тарихининг гултожи бўлмиш пайғамбар алайҳиссаломларни ҳийлагар, ёлғончи, бузуқ, каззоблар деб эълон қилдилар ва бу билан инсоният қадрини яна бир бор ерга урдилар. Иймонсизлар инсониятни пайғамбарлардан эмас, ўзларининг нафси бузуқ, ароқхўр, маймунсифат бошлиқларидан ўрнак олишга чақирдилар. Улар мазкур нобакорларни пайғамбарлардан устун қўйиб, афзал кўрсатишга уриндилар. Аммо вақти-соати келиб, улар сиғиниб юрган шахслар шайтондан баттар, тубан махлуқлар экани маълум бўлди.

Иломдан бошқа айрим динларда пайғамбар алайҳиссаломларнинг баъзиларини ўз қизи билан зино қилганликда айблаб, баъзиларини умуман тан олишмайди. Бошқа бир динда эса ғулувга кетиб, улар илоҳийлаштириб юборилади – пайғамбар алайҳиссаломларни худонинг ўғли ёки худо, деб эътиқод қилинади. Бунга ўхшаган хатолар тўлиб ётибди. Демак, бу масалада ҳамма нарса ўз ўрнига тушиши учун ҳам Иломи керак.

«Мукамал саодат йўли» китобидан